

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ

Абдалиева П.И.

НМПИ, катта уқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16869660>

Кириш. XXI асрда жамият ривожини билим, танқидий фикрлайдиган ва янгича ечимлар топа оладиган шахсларга эҳтиёж сезмоқда. Шу боис, таълимнинг илк босқичиданоқ ўқувчиларнинг интеллектуал саводхонлигини ривожлантириш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич синфлар боланинг фикрлаш, англаш, таҳлил қилиш ва ижодий ёндашиш қобилияти асоси қўйиладиган давр ҳисобланади.

Бугунги кунда таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан бири – ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва замонавий билимларга эга, мустақил фикрлай оладиган шахсларни тарбиялашдир. Бошланғич синф – боланинг фикрлаш, мулоҳаза қилиш, ахборотни қайта ишлаш ва қўллаш кўникмалари шаклландириладиган муҳим босқич ҳисобланади. Шу боис, интеллектуал саводхонликни оширишга қаратилган мақсадли ёндашув бу босқичда жуда аҳамиятлидир.

Интеллектуал саводхонлик – бу ахборотни қабул қилиш, таҳлил қилиш, мантиқий хулоса чиқариш ва уни амалиётда қўллаш олиш қобилиятидир. Бу тушунча бир неча асосий йўналишларни ўз ичига олади:

Танқидий фикрлаш – маълумотни баҳолаш, асосли ва асоссиз фикрларни ажратиш.

Мантиқий таҳлил – маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик ва сабаб-оқибат муносабатларини топиш.

Ижодий ечимлар – муаммоларга янги ва самарали йўл топиш.

Ахборотдан тўғри фойдаланиш – ишончли манбаларни танлаш ва уларни таҳлил қилиш.

Интеллектуал саводхонлик – бу ўқувчининг ахборотни тўғри қабул қилиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ва амалиётда қўллаш қобилиятидир. У фақат билим олиш билан чекланиб қолмайди, балки:

Мустақил фикрлаш

Манбалар билан ишлаш

Муаммоларни ижодий ечиш

Мантиқий таҳлил қилиш

каби кўникмаларни ҳам ўз ичига олади.

Таҳлилий ёндашув. Бошланғич синф ўқувчиларида интеллектуал саводхонликни ривожлантириш учун ўқитувчи қуйидаги масалаларга эътибор қаратиши лозим:

1. Таълим жараёнида фаол иштирокни таъминлаш

Масалан: 2-синф табиат фанидан “Сувнинг ҳолатлари” мавзусида дарс ўтилганда, болаларга тажриба орқали музнинг эриши ва сувнинг қайнаши кўрсатилади. Кейин “Нима учун муз эриганда сув ҳосил бўлади?” каби саволлар орқали мантиқий фикрлашга ундайди.

2. Муаммоли вазиятлар яратиш

Масалан: Математика фанидан “Аҳмад 3 дона қалам сотиб олди, унда яна 2 дона қалам бор эди. Унинг жами неча қалами бўлди?” каби оддий мисолдан ташқари, “Аҳмад 5 дона қаламини дўстларига тенг тақсимламоқчи. У ҳар бир дўстига неча қалам бериши мумкин?” каби ижодий савол қўйилади.

3. Ахборот технологияларидан фойдаланиш

Масалан: Интернетда “Google Earth” ёрдамида география бўйича виртуал саёҳатлар ўтказиш. Бу орқали ўқувчилар ахборот излаш, таққослаш ва тақдим қилиш кўникмасига эга бўлади.

4. Тадқиқотчилик кўникмасини шакллантириш

Масалан: 3-синфда “Ўсимликлар ҳаёти” мавзусини ўтганда ўқувчиларга уйда кичик тажриба қилиш топширилади – уруғни сувда ва қуруқ муҳитда ўстириш ва натижаларини синфда тақдим этиш.

Амалий тавсиялар. Бошланғич синфда болаларнинг интеллектуал саводхонликни оширишда бир канча интерактив ўқитиш методларидан фойдаланиш яқин самара беради. Хозир улардан бир нечтасидан мисол келтирамиз.

“Ақл харитаси” методи – мавзунини умумий схемада акс эттириш, масалан, “Сувнинг аҳамияти” бўйича марказда “Сув” сўзи ёзилади ва ундан турли тармоқлар чиқарилади (ичимлик, тозалаш, қишлоқ хўжалиги, энергия).

“Икки қисмли кундалик” – китоб ўқишда бир колонкада матндан иқтибос, иккинчи колонкада шахсий фикр ёзилади.

“Ойна орқали қараш” – воқеани бошқа шахс нуқтаи назаридан тасвирлаш машқи. Жамоавий лойиҳалар – масалан, “Менинг орзу шахрим” макети, у ерда болалар ижодкорлик ва мантиқий режалаштириш кўникмаларини ишлатади.

“Ақл чароғи”, “Фикрлар харитаси” каби усуллар орқали ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини фаоллаштиради. Жамоавий муҳокамалар, роль ўйинлари ва савол-жавоблар ўтказиш ва ҳақоза.

Бундан ташқари ўқувчилар билан синфда кичик тадқиқот ишларини олиб бориш да болаларнинг интеллектуал саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда болалар билан табиат, жамият ёки оддий ҳаётнинг масалалари бўйича кичик тадқиқотлар ташкил қили, болаларни топилмаларини синфда тақдим этишга ўргатиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, компьютер дастурлари, таълимий платформалар ва мультимедиа материаллари ёрдамида билимни чуқурлаштириш, онлайн китоблар ва энциклопедиялар билан таништириш, муаммоли вазифалар бериш, оддий машқлар ўрнига ижодий ва мантиқий фикрлашни талаб қилувчи саволлар бериш орқали ўқувчиларнинг танқидий фикрлашни ривожлантирилади.

Бул ишларни ташкил этишда ўқитувчининг роли беҳиёс. Ўқитувчи интеллектуал саводхонликни ривожлантириш жараёнида қўллаб-қувватловчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи ва илҳомлантирувчи шахс бўлиши лозим. У болаларда билимга қизиқиш уйғотиши, савол беришга рағбатлантириши ва мустақил изланиш кўникмасини шакллантириши керак.

Хулоса. Интеллектуал саводхонликни ривожлантириш – бу фақат билим бериш эмас, балки болани мустақил фикрлайдиган, таҳлил қиладиган ва ижодий ечим топадиган шахс сифатида тарбиялашдир. Бошланғич синфда бу жараёни интерактив усуллар, ахборот технологиялари ва тадқиқотчилик фаолияти билан уйғунлаштириш энг самарали йўл ҳисобланади.

Бошланғич синфда интеллектуал саводхонликни ошириш – келажакда билимли, ижодкор ва мустақил фикрлайдиган ёш авлодни вояга етказишнинг асосий гаровидир. Бу жараёнда замонавий педагогик технологиялар, ижодий ёндашув ва болаларнинг

қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган таълим энг самарали натижаларни беради.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Выготский Л.С. Мышление и речь.-Москва:Лабиринт,1999.-352б
2. Ахмедова М.Бошлангич синфларда уқитиш методикаси.-Т.Уқитувчи,2018.0280б
3. Холиков Д. Бошлангич таълимда инновацион методлар. Т.Фан, 2020. 198б.